

## Пудрат шартномаси

Тошкент

36-сон

2022 йил "30" июнь

Кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилувчи "ZAMIN SIFAT YO'L" масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи директор М.Махмудов бир томондан, иккинчи томондан «Мирабод тумани Ободонлаштириш бошқармаси» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошқарма бошлиғи Г.Джонходжаев кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилувчи ва биргаликда "Томонлар" деб юритилувчи, мазкур пудрат шартномасини қуидаги хакида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда «ТОШКЕНТ ШАХАР МИРАБОД ТУМАНИ АМИР ТЕМУР КУЧАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИГА КИРИШ КИСМИГА РАНГЛИ ПЛИТКАЛАР (БРУСЧАТКА) ЁТКИЗИШ» (ЛОТ №22110012104428) (кейинги ўринларда объект деб юритилади) рангли плиткалар ётқизиш қурилиш монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларини ҳамда КҚСни ҳисобга олган ҳолда жорий нархларда **170 140 500,00 (Бир юз етмиш миллион бир юз қирқ минг беш юз)** сўмни шу жумладан КҚС **22 192 239,13** (Йигирма икки миллион бир юз тўқсон икки минг икки юз ўттиз тўққиз сўм 13 тийин) ташкил этади.

2.2. Мазкур шартнома томнлар тарафидан имзоланиб, Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб Пудратчи томонидан 1 (бир) ой ичida лойиха-смета ҳужжатларида мувофиқ объектда **170 140 500,00 (Бир юз етмиш миллион бир юз қирқ минг беш юз)** сўм миқдорида қурилиш-мантаж ишларини бажаради.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

- енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда йўл қўйилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштиради ва буюртмачига топширади шунингдек, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этади;
- объектда тасдиқланган лойихага мувофиқ қурилиш - монтаж ишларини амалга оширади;
- зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хulosаси ва ишлатилган машина – механизmlар нархига ваколатли идора (ташкилот, орган) нинг экспертиза хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- барча ишларни мазкур шартноманинг 2.2-бандида белгиланган муддатларда, қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажаради ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

- объектда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

- қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

- қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажаришни ўззиммасига олади.

3.2. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукуқини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига Пудратчи тўлик жавобгар бўлади.

#### IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

##### 4.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилищда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

- мазкур шартноианинг 6.1-бандига мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### V. Ишларни бажариш муддати

5.1. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб **1 (бир) ой муддат ичидаги амалга оширилади**.

5.3. Қурилиш-монтаж ишлари бошланган кундан томонлар ўртасида ишларни **бажариш жадвали** келишиб олинади ва у томонлар тарафидан имзоланиб, корхона муҳри билан тасдиқланади.

#### VI. Тўловлар ва хисоб-китоблар

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг **30** фоизи микдорида, аванс ўтказади, бу **51 042 150,00** (Эллик бир миллион кирқ икки минг бир юз эллик сўм)ни ташкил этади.

6.2. Бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, объект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла объектнинг умумий шартномавий қийматининг қолган 70 фоиз микдоридаги маблағларидан 65 фоизи молиялаштирилади.

6.3. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги хисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, мазкур шартномага белгиланган кафолат муддати (бир

йил) тамом бўлгандан кейин ишлар кийматининг 5 фоизигача миқдорида маблағ молиялаштириб берилади.

## VII. Ишларни бажариш

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажариладиган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнода ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажарishни мустакил равишда ташкил этади.

7.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

7.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

7.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.9. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

7.10. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.11. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлашиш схемаларини ва жадвалларни саклади, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

7.12. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.13. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

7.14. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

7.15. Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларida беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

7.16. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.17. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.18. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботланса жавобгар хисобланмайди.

7.19. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қиматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.20. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

7.21. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

7.22. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтирида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўззиммасига олади.

### VIII. Коррупцияга қарши талаблар

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбих этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

8.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директори, агентлари ва бошқа вакиллари), “Буюртмачи” манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Пудратчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қиласди.

### IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишида узайтирилади.

9.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

9.4. Агар томонлар икки ой ичидаги келишаолмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бирин шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. Шартномани бекор қилиш

### 10.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 10.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

10.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

10.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

10.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

10.6. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

11.1. Томонлардан бирин шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

11.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

11.3. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг

бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

11.4. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

11.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у холда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида ундириш хуқуқига эга.

11.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

## XII. КАФОЛАТЛАР

### 12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха-смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажариши;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар тўла таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

12.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

12.5. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент шаҳар иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чикилади.

### XIII. Алоҳида шартлар

13.1. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

13.2. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

13.3. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

13.4. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

13.5. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

13.6. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

13.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади.

13.9. Шартнома амал килиш муддати "31" / 12. 2022 йилгача амал киласи.

13.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

### XIV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

<u>Пудратчи:</u> «ZAMIN SIFAT YO'L»МЧЖ	<u>Буюртмачи:</u> «Мирабод тумани Ободонлаштириш бошқармаси»
<p><b>Юр. манзили:</b> Тошкент шахар, Юнусобод тумани, Ифтихор кучаси 1-тор, 23-үй</p> <p><b>Телефон:</b> +998 97 7123931</p> <p><b>X/P:</b> 20208000605103283001</p> <p><b>МФО:</b> 00974 <b>ИНН:</b> 306 589 590 <b>ОКЭД</b> 42110</p> <p><b>Банк номи:</b> ОНЕРУ АҚБ «Капиталбанк»</p> <p><b>ККС туловчиси коди:</b> 3260 3004 4190</p> <p><b>Директор:</b>  <b>М.Х.Махмудов</b></p>	<p>Тошкент шахар, Мехржон кучаси-39 ўй x/p 401722860262737065263:110009</p> <p><b>ИНН</b> 201 992 249</p> <p>Молия Вазирлиги Фазначилиги x/p 23402000300100001010</p> <p><b>ИНН</b> 201 122 919 <b>МФО</b> 00014</p> <p><b>Банк номи:</b> Марказий банк ХККМ</p> <p>Тел: 71-299-49-91</p> <p><b>Рахбар</b>  <b>Г.У.Джонходжаев</b></p>



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI

MIROBOD TUMAN ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

100072, Toshkent shahar, Mirobod tumani, A.Fitrat ko'chasi, 40 A-uy

el. pochta: mirobod.t-yurmarkaz@adliya.uz

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnomा.

2. Loyihaning nomi: "ZAMIN SIFAT YO'L" MCHJ va Mirobod tumani obodonlashtirish boshqarmasi o'rtaida 36-sonli pudrat shartnomasi loyihasi.


3. Loyihaning qisqacha mazmuni: "ZAMIN SIFAT YO'L" MCHJ va Mirobod tumani obodonlashtirish boshqarmasi o'rtaida «Toshkent shahar Mirobod tumani Amir Temur ko'chasi O'zbekiston davlat san'at muzeyiga kirish qismiga rangli plitkalar (bruschatka) yotqizish» pudrat shartnomasi loyihasi. Davlat xaridlari maxsus axborot portalida 22110012104428-sonli LOT bilan o'tkazilgan eng yaxshi takliflarni tanlash tartib-taomili asosidagi davlat xaridi.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot: Mirobod tumani obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 30-iyunda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

5. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

6. Moliyaviy ekspertiza bundan mustasno.

Markaz bosh  
yuriskonsulti



Sh.Abdusattorov

2022-yil 30-iyun